

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**БАСИТХАНОВА СЕВАРА РУСТАМОВНА**

**ЎСМИР ҚИЗЛАРДА ТУХУМДОН ҲОСИЛАЛАРИНИНГ  
ЖАРРОҲЛИК УСУЛИ БИЛАН ДАВОЛАШДАН КЕЙИНГИ  
РЕАБИЛИТАЦИЯСИНИНГ АСОСЛАРИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори ( PhD ) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Баситханова Севара Рустамовна**

Ўсмир кизларда тухумдон ҳосилаларининг  
жарроҳлик усули билан даволашдан кейинги  
реабилитациясининг асослари..... 3

**Баситханова Севара Рустамовна**

Обоснование реабилитационного лечения  
девочек-подростков после оперативного лечения  
новообразований яичников ..... 29

**Basitkhanova Sevara Rustamovna**

Rationale for rehabilitation treatment of  
adolescent girls after surgical  
treatment of ovarian neoplasms ..... 57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 62

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**БАСИТХАНОВА СЕВАРА РУСТАМОВНА**

**ЎСМИР ҚИЗЛАРДА ТУХУМДОН ҲОСИЛАЛАРИНИНГ ЖАРРОҲЛИК  
УСУЛИ БИЛАН ДАВОЛАШДАН КЕЙИНГИ  
РЕАБИЛИТАЦИЯСИНИНГ АСОСЛАРИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.4.PhD/Tib3102 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Уринбаева Нилуфар Абдужаббаровна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Пахомова Жанна Евгеньевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Каримова Феруза Джавдатовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат стоматология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.В. Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Т.А. Набиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**Д.И. Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда ўсмир кизлар орасида тухумдонларнинг хавфсиз ва ўсимтасимон ҳосилаларининг учраш даражаси тобора ортиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, "... тухумдон ҳосилаларининг учраши частотаси 13,3% ни ташкил қилади, бунда аниқланган патологиянинг катта қисми ўсимтасимон жараёнларга (ТЎЖ) 58,8%, ҳақиқий ўсмаларга – 39,1% тўғри келади"<sup>1</sup>. Ўсмирлик ёшидаги кизларнинг репродуктив тизимини соғлом ҳолатда сақлаш вазифалари муҳим ҳисобланади ва кейинги фертилик, яъни соғлом фарзанд дунёга келиши учун замин яратади. Жинсий дифференцировка фаоллигининг апогейси жинсий балоғатга етиш даврида кузатилади, бу ички секреция безлари фаолияти, гипофизар-гонадал экспрессияси, шунингдек, гипофизар-буйрак усти безлари реакцияларининг ошиши, репродуктив тизимнинг ўсиши, ривожланиши ва етилиши туфайли ривожланади.

Жинсий тизимнинг шаклланиши жараёнида унинг сезувчанлигининг ошиши аёлларда турли ёш давларида бир қатор гинекологик касалликларнинг пайдо бўлишига асос бўлади. Шунини таъкидлаш лозимки, ҳосилалар ва уларнинг тухумдонлардаги жараёнлари аёлнинг ҳар қандай ёш даврида, шу жумладан перинатал даврда пайдо бўлиши мумкин, бунда тухумдонларнинг гонадотропик фаоллиги ва гормонал фаолиятидаги ўзгаришлар таъсири остида бевосита организмнинг гормонал қайта тузилиши даврида – ўсмирлик даврида ривожланиш эҳтимоли ортади. Тухумдонлар ҳосилалари ўсмирларда репродуктив органларнинг энг кенг тарқалган ўсмалари ҳисобланади. Балоғатга етиш даврида тухумдонларда жарроҳлик аралашувлари генератив функциянинг пасайиши ёки йўқолишига олиб келадиган гонадотоксик омилларга киради. Ўсмирларда тухумдон ҳосилаларининг клиник шакллари ўрганиш, гинекологик ёрдамни такомиллаштириш, ўсмирларда тухумдон ҳосилаларини ташхислаш, даволаш, реабилитация қилиш ва профилактика қилиш усуллари ишлаб чиқиш жаҳонда долзарб илмий муаммолардан биридир.

Мамлакатимизда болалар, ўсмирлар ва аёлларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимини халқаро стандартларга мувофиқ келтириш, аёллар касалликларини ташхислаш ва даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда ўсмирлар умумий аҳолининг 16,2%ини ташкил этади, уларнинг саломатлиги ва фаровонлиги анча соғлом ва барқарор жамиятни барпо этишга интилишда ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Ўсмир кизларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш ва тиклаш умумдават вазифасидир. Ўзбекистон Ҳукумати томонидан "...ёшларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, улар учун малакали тиббий хизматдан фойдаланиш шарт-шароитларини яхшилаш, ёшлар ўртасида тиббий саводхонликни ошириш ва соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш..."<sup>2</sup> каби устуворликлар белгилаб берилди. Шу муносабат билан бугунги кунда

<sup>1</sup> WHO Classification of Tumours 5th Edition: Female Genital Organs Tumours 1st Editorial Board meeting: 9 May 2019, IARC, Lyon FRANCE

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон Фармони

бутун дунёда ўсмирларга гинекологик ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, ўсмирларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш ва уларнинг репродуктив функцияларини сақлаш учун ташхислаш ва даволаш-профилактика усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон, 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сон Фармонларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида”ги ПҚ-216-сон қарорида ва болалар, ўсмирлар ҳамда аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида амал қиладиган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда қўйилган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон олимлари тадқиқотларида тухумдон ҳосилаларининг патогенези, клиникаси, ташхислаш ва даволаш бўйича тадқиқотлар билан дунёнинг етакчи тиббиёт университетлари ва клиникаларида шуғулланилади (Liu H., 2013; Zhang M., 2014.; Neo S.H., 2014; Takayasu H., 2020; Dasgupta R., 2018; Al Dakhil L., 2022; Birbas E., 2023). Ўсмирларда тухумдонлар жарроҳлиги ҳолатларида уларнинг овариал захираси фертилик ва аёллар саломатлиги учун муҳим аҳамиятга эгадир. Ўсмир қизларда овариал захирасини тадқиқ этиш жиҳатлари Hagen C.P. (2022), Bhide P. (2019), Metwalley K.A. (2023) ва бошқалар асарларида кўриб чиқилган. Тухумдонларнинг ўсмалари ва ўсимтасимон ҳосилаларини жарроҳлик усулида даволаш Tarca E. (2022), Kim N.B. (2014), Ciro E. (2022) ва бошқалар тадқиқотларида ўрганилган.

МДХ давлатлари олимларининг илмий изланишларининг натижаларида тухумдон ҳосилаларини ўсмирлик даврида юқори учраш даражаси стероид гормонларнинг метоболизмининг кучайиши билан боғлиқлиги ва эндокрин касалликнинг ривожланишига ҳисса қўшадиган кўзгатувчи омилга айланишини кўришимиз мумкин (Е.М. Богатырева ва б., 2018). Болотова Н.В. изланишларида ҳам ҳайз цикли бузилиши, эндокрин касалликлар ва инфекция касалликларнинг тухумдон ҳосилаларининг пайдо бўлишидаги роли ёритиб берилган. Унга кўра эндокрин касалликлар, гиперинсулинемия, ҳайз цикли бузилишлари (олигоменорея, аменорея, дисменорея) 48,3% ҳолатларда аниқланган (Быстрицкая Т.С., 2014). Бошқа олимлар гуруҳи томонидан тухумдон ҳосилалари бўлган ўсмир қизларни жарроҳлик усулида даволаш тамойиллари бўйича илмий изланишлар олиб борилган (Комличенко Э.В. ва б., 2021).

Мамлакатимиз олимлари томонидан тухумдон ҳосилалари мавжуд бўлган ўсмирларни юритиш масалалари Ходжаева А.С. (2019), Касимова А. (2014) асарларида кўриб чиқилган. Шунга қарамай, ўсмирларда фертиликни юқори даражада сақлаб қолиш мақсадида тухумдон ҳосилаларини жарроҳлик

усулида даволашни такомиллаштириш, жарроҳликдан кейинги овариал захирасини баҳолаш, тухумдонлар жарроҳлигидан кейин кузатув ва реабилитация масалаларига бағишланган ишлар этарли эмас. Мамлакатимизда жарроҳлик аралашувидан олдин ва кейин ўсмирларда овариал захираси, ўсмир қизларда овариал захирасига тухумдонлар жарроҳлиги услубиятларининг таъсири ўрганилган тадқиқотлар мавжуд эмас.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўсмирларда тухумдон ҳосилалари муаммосининг долзарблиги, ташхислаш, жарроҳлик усулида даволаш муаммоси, ўсмирларда фертиликни сақлаб қолиш муаммосининг этарли даражада ишланмаганлиги бу йўналишда мақсадли тадқиқотлар олиб бориш заруратини асослайди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 01980006703-сон “Болаларда туғма ва орттирилган касалликларнинг диагностикаси, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштириш” (2020-2023 йиллар) илмий мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўсмир қизларда тухумдонларнинг хавфсиз ва ўсимтасимон ҳосилалари мавжуд бўлганда тухумдонларнинг овариал захираси ҳамда функциясини сақлаб қолиш учун даволаш ва реабилитация усулларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўсмир қизлар тухумдонларининг хавфсиз ва ўсимтасимон ҳосилалари мавжуд бўлганда репродуктив тизимнинг клиник-анамнестик ва даволаш-ташхислашнинг ўзига хос хусусиятларини баҳолаш;

ўсмир қизлар тухумдонларининг хавфсиз ва ўсимтасимон ҳосилаларини жарроҳлик усули билан даволашдан олдин ва кейинги даврда овариал захираси ва гормонал ҳолатини баҳолаш;

ўсмир қизларда тухумдонларнинг хавфсиз ва ўсимтасимон ҳосилаларини жарроҳлик усули билан даволашда эндожарроҳлик гемостазнинг монополяр, биполяр, аргонплазма коагуляцияси шаклларининг овариал захирага таъсирини баҳолаш;

ўсмир қизларда хавфсиз ва ўсимтасимон тухумдон ҳосилаларини даволаш ва реабилитация қилиш алгоритмларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика перинатал марказида 2019-2022 йилларда даволанган 106 нафар бемор ўсмир қизлар ҳамда 30 нафар соғлом ўсмир қизлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида биокимёвий тадқиқотлар учун периферик қон, қон зардоби, гистологик тадқиқотлар учун тухумдон ҳосилалари материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий (жинсий гормонлар), инструментал (УТТ), гистологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўсмир қизлар тухумдонларининг хавфсиз ва ўсимтасимон ҳосилалари мавжуд бўлганда репродуктив тизимда ҳайз циклининг дисменорея, альгодисменорея, опсоменорея белгилари билан намоён бўлиши, қалқонсимон безда аутоиммун тиреоидит ва гипотиреоз ҳолатларининг кузатилиши,

тухумдон ултратовуш текширувида антрал фолликулалар сонининг 2,6 баробарга камайиши, васкуляризация индексининг кучайиши ҳамда тухумдон ҳажмининг катталаниши исботланган;

ўсмир қизлар тухумдонларининг хавфсиз ва ўсимтасимон ҳосилаларини жарроҳлик усули билан даволашдан олдин ва кейинги даврда қон зардобиди овариал захиранинг асосий кўрсаткичи - антимюллер гормони(АМГ)нинг  $3,3 \pm 0,11$  нг/мл га камайиши, фолликулстимулловчи гормон(ФСГ)нинг  $9,1 \pm 0,31$  мМЕ/л га ошиши, лютеинловчи гормон(ЛГ)нинг  $8,2 \pm 0,27$  мМЕ/л га камайиши тухумдон фолликулларининг етилишига тўсқинлик қилиши, репродуктив тизимнинг ҳамда фертилик (фарзандли бўлиш) фаолиятининг бузилишига олиб келиши исботланган;

ўсмир қизларда тухумдонларнинг хавфсиз ва ўсимтасимон ҳосилаларини эндожарроҳлик гемостазнинг аргонплазма коагуляцияси билан даволаш самарадорлиги тухумдонлар тўқималарига кам деструктив таъсир кўрсатиши, жарроҳлик амалиётдан кейинги даврда гипоталам-гипофизар-тухумдон тизимида антимюллер гормони(АМГ)нинг  $4,0 \pm 0,11$  нг/мл га ошиши, фолликулстимулловчи гормон(ФСГ)нинг  $11,8 \pm 0,31$  мМЕ/л га ошиши, лютеинловчи гормон(ЛГ)нинг  $8,6 \pm 0,27$  мМЕ/л га камайиши, интраовариал перфузия интенсивлиги(тезлиги)нинг 1,5 баробарга кучайиши, антрал фолликулалар сонини  $6,4 \pm 0,21$ га кўпайиши билан исботланган;

ўсмир қизларда хавфсиз ва ўсимтасимон ҳосилаларни даволашда ишлаб чиқилган орган сақловчи каминвазив эндохирургик лапароскопик аргонплазма коагуляцияси усули ҳамда реабилитация мақсадида ишлаб чиқилган усуллар ҳайз циклининг тикланиши, тухумдонлар овулятор функциясида антрал фолликулалар сонини кўпайиши, интраовариал перфузияни кучайиши, тухумдонларнинг ҳажмини катталаниши, қон зардобиди овариал захиранинг асосий кўрсаткичи – АМГ, ФСГ, ЛГ гормонлар фаолиятининг тикланиши, ҳайз фаолиятининг 3 баробар юқори кўрсаткич билан тикланишига олиб келиши, репродуктив саломатлик ҳамда фертиликни сақлаб қолиши самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тухумдонларнинг ўсимтасимон ва хавфсиз ўсмалари бўлган ўсмир қизларга аъзоларни сақловчи каминвазив эндохирургик лапароскопик жарроҳлик амалиёти қўлланилиши асосланган;

тухумдонлар ҳосиласи бўлган ўсмир қизларга жарроҳлик амалиётдан олдин ҳамда ундан кейин 6 ва 12 ой ўтгач тухумдонлар тўқимасининг ҳажми, тухумдонлар доплерометрик кўрсаткичларининг ҳамда овариал захира ҳолатини аниқлаш асосланган;

ўсмирларда овариал захира ҳолатини аниқлаш учун гормонал (АМГ, ФСГ, ЛГ, эстрадиол) текширувлар ўтказиш, доплерометрик ватухумдоннинг динамик эхографиясини (тухумдон тўқимасининг ҳажмини баҳолаш, антрал фолликуллар сонини санаш (АФС), интраовариал перфузияни ўлчаш) ўтказишга асосланган;

овариал захиранинг пасайишининг олдини олиш ва келажакда фертиликни сақлаб қолиш учун тухумдонлар тўқималарининг юқори даражада сақланиши учун аргон плазмаси коагуляциясидан фойдаланган ҳолда ўсмирларда тухумдонлар ҳосилаларини жарроҳлик усулида даволашга асосланган;

тиббиёт муассасаларида амалий фойдаланиш учун тухумдонларнинг ўсимтасимон ва хавфсиз ўсмалари бўлган ўсмир қизларни каминвазив эндохирургик амалиёт ҳамда реабилитация жараёнларини бирлаштирган ҳолда ишлаб чиқилган янги даволаш-диагностика алгоритми ишлаб чиқилиши асосланган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот ишида қўлланилган замонавий алгоритмлар ва услубиятлар, назарий маълумотларнинг якуний маълумотлар, тадқиқ қилинган шахсларнинг мақбул сони, бир-бирини тўлдирувчи, ахборий, клиник, инструментал, шунингдек статистик тадқиқот усуллариининг мувофиқлигига, шунингдек, натижаларнинг ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланиши ва уларнинг маҳаллий ҳамда хорижий амалиётда бошқа мутахассислар тадқиқотлари тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тухумдонлар ҳосилалари бўлган ўсмирларда жарроҳликдан кейин сақланиб қоладиган овариал захирасининг дастлабки пасайишини белгилаш билан аниқланади, бунда жарроҳликдан кейин ўсмирларда овариал захирасининг пасайишида лапароскопик жарроҳлик вақтида гемостаз усулининг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўсмирларда тухумдонлар ҳосилаларини даволаш ва реабилитация қилиш алгоритмини ишлаб чиқишдан, шунингдек, ўсмирларда овариал захирасини ва фертиллиқни сақлаб қолиш учун лапароскопик жарроҳликда аргон плазмаси коагуляциясидан фойдаланган ҳолда жарроҳлик усулида даволаш усуллариини такомиллаштириш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўсмир қизларда тухумдон ҳосилаларининг жарроҳлик усули билан даволашдан кейинги реабилитация асослашни аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

**биринчи илмий янгилик:** ўсмир қизлар тухумдонларининг хавфсиз ва ўсимтасимон ҳосилалари мавжуд бўлганда репродуктив тизимда ҳайз циклининг дисменорея, альгодисменорея, опсоменорея белгилари билан намоён бўлиши, қалқонсимон безда аутоиммун тиреоидит ва гипотиреоз ҳолатларининг кузатилиши, тухумдон ултратовуш текширувида антрал фолликулалар сонининг 2,6 баробарга камайиши, васкуляризация индексининг кучайиши ҳамда тухумдон ҳажмининг катталашини исботлаш бўйича таклифлар Тошкент педиатрия тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 17 октябрда №03/110-сон билан тасдиқланган «Ўсмир қизларда тухумдонларнинг хавфсиз ва ўсимтасимон ҳосилаларини жарроҳлик усули билан даволаш ва реабилитация қилишни оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд вилоят перинатал марказининг 5.09.2023 йилдаги №331-у сонли ҳамда Хоразм вилояти перинатал марказининг 06.09.2023 йилдаги №78-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги №03/60-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** текширув асосида ҳайз циклининг бузилиши, қалқонсимон без касалликлари мавжуд ўсмир қизларда

тухумдонларининг хавфсиз ва ўсимтасимон ҳосилалари ривожланиши хавф омиллари, анамнез, клиник-лаборатор кўрсаткичлар ва функционал текширувлар асосида ўрганилган, касаллик ривожланишидаги ўрни аниқланган ва бу ўсмир қизларни репродуктив саломатлигини сақлаш мақсадида профилактик ҳамда даволаш-диагностикани янада такомиллаштириш, касалликни эрта аниқлаш имкониятларини оширади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* хавф омилларини эътиборга олган ҳолда 106 нафар ўсимтасимон ва хавфсиз тухумдон ўсмалари бўлган ўсмир қизларнинг 88 нафарида лапароскопик жарроҳлик амалиёти ўтказилган, бу ўсмир қизларнинг шифохонада 1 кун ётиш тўлови учун минимал 86 500 сўм, умумий 146 500 сўмга харажатларни қисқартиришга асос бўлган. Умумий 88 нафар ўсимтасимон ва хавфсиз тухумдон ўсмалари бўлган ўсмир қизларга ҳисобланганда 12 892 000 сўмни иқтисод қилиш имконини берди. **Хулоса:** Хавф гуруҳларида ўсимтасимон ва хавфсиз тухумдон ўсмалари бўлган ўсмир қизларни олиб боришнинг индивидуал ёндашуви келажакдаги репродуктив асоратларини учрашини камайишига, шунингдек, 1 нафар ўсмир қизнинг бир марталик кўрик ва бир кунлик шифохонада бўлиш вақти учун 146 500 сўмни иқтисод қилиш имконини берган;

**иккинчи илмий янгилик:** ўсмир қизлар тухумдонларининг хавфсиз ва ўсимтасимон ҳосилаларини жарроҳлик усули билан даволашдан олдин ва кейинги даврда қон зардобидида овариал захиранинг асосий кўрсаткичи - антимюллер гормони(АМГ)нинг  $3,3\pm 0,11$  нг/мл га камайиши, фолликулстимулловчи гормон(ФСГ)нинг  $9,1\pm 0,31$  мМЕ/л га ошиши, лютеинловчи гормон(ЛГ)нинг  $8,2\pm 0,27$  мМЕ/л га камайиши тухумдон фолликулларининг етилишига тўсқинлик қилиши, репродуктив тизимнинг ҳамда фертилик (фарзандли бўлиш) фаолиятининг бузилишига олиб келиши исботланганлиги аниқланганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 17 октябрда №03/110-сон билан тасдиқланган «Ўсмир қизларда тухумдонларнинг хавфсиз ва ўсимтасимон ҳосилаларини жарроҳлик усули билан даволаш ва реабилитация қилишни оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд вилоят перинатал марказининг 5.09.2023 йилдаги №331-у сонли ҳамда Хоразм вилояти перинатал марказининг 06.09.2023 йилдаги №78-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги №03/60-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* тухумдонларнинг ўсимтасимон ва тухумдон хавфсиз ўсмалари мавжуд ўсмир қизларда овариал захиранинг асосий кўрсаткичи - АМГ, ФСГ, ЛГ гормонларнинг даражасини аниқлаш келажакдаги репродуктив асоратларни ривожланишида юқори прогностик аҳамияти ва самарадорлигини исботлашга имкон беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* тухумдонларнинг ўсимтасимон ҳосилалари ва хавфсиз ўсимталари бўлган ўсмир қизларнинг шифокорга мурожаат қилиш учун минимал 60 000 сўм ва ўсмир қизларнинг шифохонада 1 кун ётиш тўлови учун минимал 86 500 сўм, умумий 146 500 сўмга харажатларни қисқартиришга асос бўлган. Умумий 106 нафар ўсимтасимон ва хавфсиз тухумдон ўсмалари бўлган ўсмир қизларга ҳисобланганда 15 529 000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** Тухумдонларнинг ўсимтасимон ва тухумдон

хавфсиз ўсмалари бўлган ўсмир қизларни келажақдаги гинекологик репродуктив асоратлар туфайли даволанишига оилавий поликлиника шароитида бир мартталик қатнов учун 60 000 сўм ва шифохонада бўлиш вақти учун минимал 86 500 сўм иқтисод қилинади. Умумий 1 нафар ўсмир қизнинг бир мартталик кўрик ва бир кунлик шифохонада бўлиш вақти учун 146 500 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

**учинчи илмий янгилик:** ўсмир қизларда тухумдонларнинг хавфсиз ва ўсимтасимон ҳосилаларини эндожарроҳлик гемостазнинг аргонплазма коагуляцияси билан даволаш самарадорлиги тухумдонлар тўқималарига кам деструктив таъсир кўрсатиши, жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда гипоталам-гипофизар-тухумдон тизимида антимюллер гормони(АМГ)нинг  $4,0 \pm 0,11$  нг/мл га ошиши, фолликулстимулловчи гормон(ФСГ)нинг  $11,8 \pm 0,31$  мМЕ/л га ошиши, лютеинловчи гормон(ЛГ)нинг  $8,6 \pm 0,27$  мМЕ/л га камайиши, фолликулстимулловчи гормон(ФСГ)нинг  $9,1 \pm 0,31$  мМЕ/л га ошиши, интраовариал перфузия интенсивлиги(тезлиги)нинг 1,5 баробарга кучайиши, антрал фолликулалар сонини  $6,4 \pm 0,21$ га кўпайиши билан исботланганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 17 октябрда №03/110-сон билан тасдиқланган «Ўсмир қизларда тухумдонларнинг хавфсиз ва ўсимтасимон ҳосилаларини жарроҳлик усули билан даволаш ва реабилитация қилишни оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд вилоят перинатал марказининг 5.09.2023 йилдаги №331-у сонли ҳамда Хоразм вилояти перинатал марказининг 06.09.2023 йилдаги №78-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги №03/60-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* олинган натижалар тухумдонлар ҳосилалари бўлган ўсмир қизларда лапароскопик жарроҳлик амалиётлари сонини кўпайтириш, аргон плазмаси коагуляциясидан фойдаланиш жарроҳлик вақтида овариал захирасини энг юқори даражада сақлаш, ўсмир қизларнинг репродуктив саломатлигини яхшиланишига ва келажақда фертиликнинг сақланишига имкон беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ўсмирларда тухумдонлардаги хавфсиз турдаги ҳосилаларни ва тухумдонлардаги ўсимтасимон ҳосилаларни жарроҳлик усулида оператив даволашда монополяр ва биполяр электрокоагуляция билан фойдаланилганда 1 нафар ўсмир қизга харажатлар 1 025 200 сўмни ва шифохонада ўтказилган кунлар сони 5 кун учун 432 500 сўмни ташкил қилган, аргон плазмаси коагуляцияси қўлланилганда эса 1 нафар ўсмир қизга харажатлар 750 000 сўмни ташкил қилган ва шифохонада бўлиш вақти 5 кундан 3 кунга қисқариб, 3 кун учун 259 500 сўм иқтисод қилинган. Умумий ҳисобда 88 нафар бемор ҳисобига 85 113 600 сўмни иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* аргон плазмаси коагуляциясидан фойдаланилганда жарроҳлик вақтида овариал захирасини энг юқори даражада сақлашга имкон берган, бу ўсмирларнинг репродуктив саломатлигининг яхшиланишига ва келажақда фертиликнинг сақланишига ёрдам берган ва 1 нафар ўсмир қиз ҳисобига 967 200 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

**тўртинчи илмий янгилик:** ўсмир қизларда хавфсиз ва ўсимтасимон ҳосилаларни даволашда ишлаб чиқилган орган сақловчи каминвазив эндохирургик лапароскопик аргон плазмаси коагуляцияси усули ҳамда

реабилитация мақсадида ишлаб чиқилган усуллар ҳайз циклининг тикланиши, тухумдонлар овулятор функциясида антрал фолликулалар сонини кўпайиши, интраовариал перфузияни кучайиши, тухумдонларнинг ҳажмини катталашини, қон зардобда овариал захиранинг асосий кўрсаткичи – АМГ, ФСГ, ЛГ гормонлар фаолиятининг тикланиши, ҳайз фаолиятининг 3 баробар юқори кўрсаткич билан тикланишига олиб келиши, репродуктив саломатлик ҳамда фертилликни сақлаб қолиши самарадорлиги исботланганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 17 октябрда №03/110-сон билан тасдиқланган «Ўсмир қизларда тухумдонларнинг хавфсиз ва ўсимтасимон ҳосилаларини жарроҳлик усули билан даволаш ва реабилитация қилишни оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд вилоят перинатал марказининг 5.09.2023 йилдаги №331-у сонли ҳамда Хоразм вилояти перинатал марказининг 06.09.2023 йилдаги №78-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги №03/60-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* тухумдонларнинг ўсимтасимон ва хавфсиз ўсмалари бўлган ўсмир қизларда каминвазив эндохирургик амалиёт давомида аргон плазма коагуляцияси усулини қўллаш ҳамда реабилитация жараёнларини бирлаштирган ҳолда ишлаб чиқилган янги даволаш-диагностика алгоритмининг қўлланилиши операциядан сўнг 1 йил давомида ўсмир қизларда тухумдоннинг гипоталамус гипофиз тизими фаолиятини тўлиқ тикланишига, овариал захиранинг босқичма-босқич нормаллашувига, рецидивларнинг юзага келмасигига имкон беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ишлаб чиқилган даволаш ва реабилитация қилиш алгоритми ўсмир қизларда тухумдонлар хавфсиз ҳосилалари ва тухумдонлар ўсимтасимон ҳосилаларни тиббиёт муассасаларида орган (аъзоларни) сақловчи каминвазив эндохирургик лапароскопик аргон плазмаси коагуляцияси усулининг, жарроҳлик амалиётидан кейинги реабилитациясида 1 нафар ўсмир қизга харажатлар 1 025 200 сўмни ва аргон плазмаси коагуляцияси қўлланилганда 1 нафар ўсмир қизга харажатлар 750 000 сўмни ташкил қилди ва шифохонада бўлиш вақти 5 кундан 3 кунга камайиб, 3 кун учун минимал 2 550 000 сўм иқтисод қилинган. Умумий ҳисобда 88 нафар бемор ҳисобига 85 113 600 сўмни иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* ишлаб чиқилган – ўсмир қизлар тухумдонлар хавфсиз ва тухумдонлар ўсимтасимон ҳосилаларини даволаш ва реабилитация қилиш алгоритмлари касаллик учраш сонини камайиши бу эса ўсмир қизларнинг шифокорга мурожаат қилиш учун минимал 60 000 сўм ва шифохонада 1 кун ётиш тўлови учун минимал 86 500 сўм, умумий 146 500 сўмга харажатларни иқтисод қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларинининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 4 та халқаро илмий-амалий конференцияда муҳокама қилинди. **Тадқиқот натижаларинининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий иш эълон қилинган, шундан 7 та мақола, шу жумладан 4 та республика ва 2 та хорижий Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 114 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Киришда** олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилади, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш очиб берилади, эълон қилинган ишлар ва диссертация тузилмаси бўйича маълумотлар кўрсатилган.

**“Ўсмирларда тухумдон ҳосилалари муаммосига замонавий қараш”** биринчи бобида диссертациянинг назарий жиҳатлари таҳлил қилинган ва ўсмирларда тухумдонлар ҳосилалари муаммосига бағишланган тадқиқотлар тизимлаштирилган, мавжуд ташхислаш ва даволаш усулларининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек ушбу муаммонинг ҳал қилинмаган ёки аниқлаштиришни талаб қиладиган жиҳатлари белгиланди.

Диссертациянинг **“Материаллар ва тадқиқот усуллари”** иккинчи бобида клиник материал ва тадқиқот усулларининг умумий тавсифи берилган.

Иш ЎЗР Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика перинатал маркази базасида амалга оширилди. Қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун 2019 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда биз томондан тухумдонлар ўсмасимон ҳосилалари ва тухумдонларнинг хавфсиз ўсмалари билан оғриган 136 нафар ўсмирни ҳар томонлама текшириш, консерватив ва жарроҳлик усулида даволаш натижалари таҳлил қилинди. Беморларни тадқиқотга киритиш мезонлари қуйидагилардан иборат бўлди: беморнинг ёши 12-18 ёш; тухумдоннинг бир томонлама ёки икки томонлама ўсмасимон ҳосилалари ёки хавфсиз ўсмаси мавжудлиги. Назорат гуруҳига – тухумдонлар ҳосилалари бўлмаган 30 нафар шартли соғлом ўсмирлар.

Беморларни тадқиқотдан четлаштириш мезонлари қуйидагилардан иборат бўлди: 12 ёшдан кичик ва 18 ёшдан катта бўлган ёш; тухумдоннинг хавфли ҳосилаларининг мавжудлиги; гипогонадизм.

Тадқиқот 3 босқичда ўтказилди, у тухумдонларнинг хавфсиз ва ўсимтасимон ҳосилалари бўлган 136 нафар ўсмир беморни ўз ичига олди, назорат гуруҳи тухумдонлар ҳосилаларисиз 30 нафар шартли соғлом ўсмирлардан иборат бўлди.

Тадқиқотнинг биринчи босқичида ёш, анамнестик хусусиятлар, экстрагенитал касалликлар мавжудлиги, ҳайз даврининг бузилиши мавжудлиги, тухумдонларнинг УТТ, тухумдонлар томирларининг доплерометрияси маълумотларини солиштирма баҳолаш ўтказилди, ҳосилаларнинг хусусияти, тухумдонларнинг ўсимтасимон ва хавфсиз ҳосилалари бўлган ўсмирларда ҳосилаларнинг ўлчами аниқланди. Асосий гуруҳнинг ўсмир қизлари учун тухумдонлар ҳосилаларининг тури ва ҳажмига қараб даволаш усули танланган: консерватив (18 та ҳолат) ва

жарроҳлик усулида даволаш (тухумдонларнинг ўсимтасимон ва хавфсиз ҳосилалари бўлган 88 нафар ўсмир қиз).

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида антрал фолликулаларни санаш, тухумдон ҳажмини аниқлаш, васкуляризация индекси ва тухумдонлар қон оқими индексини аниқлаш, жарроҳликдан олдин ва жарроҳликдан кейин 3, 6, 12 ой ўтгач АМГ, ФСГ, ЛГ, эстрадиолни аниқлаш ўтказилди. Олинган маълумотлар жарроҳликдан кейин 3, 6 ва 12 ой ўтгач гуруҳлар ўртасида, шунингдек, асосий гуруҳ ичида таққосланди.

Асосий гуруҳда органларни сақлаб қолувчи лапароскопик жарроҳлик ўтказилди ва гемостазни ўтказишда энергия туридан фойдаланишга қараб асосий гуруҳ 3 кичик гуруҳга бўлинган: 1 гуруҳда (21 нафар бемор) лапароскопик жарроҳлик вақтида монополяр электрокоагулятордан, 2-гуруҳда (33 нафар бемор) – биполяр электрокоагулятордан, 3-гуруҳда (34 нафар бемор) аргон плазмаси коагуляторидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг учинчи босқичида – лапароскопик жарроҳлик вақтида эндожарроҳлик гемостазни амалга оширишда фойдаланилган энергия турига қараб жарроҳликдан сўнг 3, 6 ва 12 ой ўтгач ФСГ, АМГ, АФС тадқиқоти ва тухумдонлар томирларининг доплерометрияси, фолликулогенезни баҳолаш ўтказилди.

Ҳар бир кичик гуруҳда овариал захираси жарроҳликдан олдин, жарроҳликдан кейин 3, 6 ва 12 ой ўтгач аниқланган. Овариал захирасини аниқлаш антрал фолликулалар сонини санаш, васкуляризация индекси ва тухумдонлар қон оқими индексини аниқлаш, ФРС, АМГ концентрациясини аниқлаш, шунингдек фолликулогенезни баҳолашни ўз ичига олади. Жарроҳликдан олдин ва ундан кейин 3, 6 ва 12 ой ўтгач асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида, 1, 2, 3-кичик гуруҳлари ўртасида солиштирма баҳолаш ўтказилди.

Республика перинатал маркази клиникаси базасида 3,5 ва 5,0 МГц частотали трансабдоминал датчикдан фойдаланган ҳолда кичик тос аъзоларининг УТТ ва доплерометрия тадқиқоти ўтказилди. Тадқиқот GE Voluson E8 аппаратида ҳайз даврининг 3-5, 10-14 ва 20-22 кунларида ўтказилди.

Овариал захирасини аниқлаш учун ФСГ, ЛГ, АМГ ва эстрадиолни аниқлашни ўз ичига олган гормонал тадқиқот ўтказилди. Тадқиқот ҳайз даврининг 2-5 кунда ўтказилди. Вена қони зардобадаги гормонлар концентрацияси “Mindrey MR-96A” аппарати ёрдамида иммунофермент таҳлили усулида ўлчанди.

Лапароскопия Республика перинатал маркази базасида “Республика эндовизуал гинекология маркази”да бажарилди (раҳбар – PhD Гафуров Ж.М.). Жарроҳлик амалиётлари классик алгоритм бўйича эндотрахеал наркоз қўлланган ҳолда ўтказилди, бемор Тренделенбург ҳолатида бўлди. Қовуқ тўлиқ бўшатиладан сўнг, орқа томонда ётган ҳолда киндик соҳасидаги кесма орқали қорин бўшлиғига Вереш игнаси киритилди ва Endoflator ёки Thermoflator (KarlStorzGmbH&Co., Германия) инсуфлятори воситасида пневмоперитонеум ўтказилди.

Жарроҳлик ҳажмига қараб, стандарт услубият бўйича цистэктомия, тухумдонлар резекцияси, овариоэктомия, эндометриоз ўчоқларини коагуляция қилиш, адгезиолизис, аднексэктомия жарроҳлиги амалга

оширилди. Барча беморларда кейинги гистологик тадқиқот учун лапароскопия вақтида тухумдонлар ҳосилалари олинган.

Амалга оширилган тадқиқотнинг якуний маълумотларининг статистик турини таҳлил қилиш “Microsoft Excel” дастурлари махсус тўпламини қўллаш туфайли шахсий компьютерда амалга оширилди. Корреляция тури таҳлили Спирмен корреляция кўрсаткичларини қўлланган ҳолда амалга оширилди. Статистик тури миқдорлари ўртасидаги тафовутлар  $p < 0.05$  қийматларида ҳаққоний бўлди.

Диссертациянинг **“Ўсмирларда тухумдонлар ҳосилаларининг ривожланишида клиник-анамнестик ва даволаш-ташхислаш омилларнинг аҳамияти ва уларни ташхислаш”** учинчи бобида ўсмирларда тухумдонлар ҳосилалари ривожланишининг хавф-хатар омилларини аниқлаш масалалари кўриб чиқилган.

Текширилган беморларнинг ёш тоифаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ўсмирларда ТЎҲ ва ТХЎ эрта ўсмирлик даврига (10-14 ёш) қараганда кеч ўсмирлик даврида (15-18 ёш) ишончли анча тез-тез (OR 5,62, 95%, CI 14,91-67,12) кузатилган.

Гинекологик анамнезни ўрганишда, биз биринчи ҳайз кўриш ёши беморларнинг ярмидан кўпида (54) 13-14 ёшга тўғри келишини аниқладик, бу 2-расмда келтирилган беморлар умумий сонининг 60,0% ни ташкил этди. 12 ёшгача эрта биринчи ҳайз кўриш асосий гуруҳдаги 19 (17,9%) нафар беморда, кеч биринчи ҳайз кўриш (15-16 ёшда) эса 12 (11,3%) нафар беморда аниқланган, бу эрта биринчи ҳайз кўриш ТЎҲ ва ТХЎ билан оғриган беморларда кеч биринчи ҳайз кўришдан 1,5 баравар тез-тез учрашини кўрсатди, назорат гуруҳи билан солиштирганда, эрта биринчи ҳайз кўриш 1,7 марта тез-тез аниқланди ( $p = 0.04$ )

Асосий гуруҳда биринчи ҳайз кўриш содир бўлишининг ўртача ёши  $12,4 \pm 1,26$  йилни ташкил этди, назорат гуруҳида биринчи ҳайз кўришнинг ўртача ёши  $13,9 \pm 0,73$  йилни ташкил этди, аммо ўртача кўрсаткичлар орасидаги фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятга эга эмас ( $p=0.73$ ).

Биз текширилган қизларнинг анамнезда ўтказилган касалликлар тўғрисидаги маълумотларни ўргандик (1-жадвал).

Ўтказилган касалликларни таҳлил қилганда, биз ТЎҲ ва ТХЎ бўлган ўсмирларда экстрагенитал касалликларнинг катта фоизини қайд этдик, масалан, темир танқислиги анемияси 66,9%, сурункали тонзиллит 52,9%, гайморит 15,1%, эндокрин касалликлар (семизлик, қалқонсимон без касалликлари) 39,6%да қайд этилган.

ТЎҲ ва ТХЎ бўлган бемор қизларнинг 26,4%да таносил аъзолари тизими касалликлари (цистит, пиелонефрит, гломерулонефрит), 42,4% бемор қизларда ОИЙ касалликлари (сурункали колит, гастрит) аниқланган, соматик анамнез ўтказилган шамоллашга оид касалликлар ва болалар инфекциялари ҳисобига назорат гуруҳига нисбатан анча ёмон бўлди.

Шундай қилиб, ўсмир қизларнинг соғлиғи ҳолати мазкур соғлом қизларникидан фарқ қилиши аниқланди. Уларда анамнезда ўтказилган соматик касалликлар частотаси ишончли юқори бўлиб, бу кейинчалик тухумдонларнинг ўсмалари ва ўсимтасимон касалликларининг ривожланиши учун аҳамиятга эга.

**1-жадвал**

### **Анамнезда ўтказилган касалликлар**

Ўтказилган касалликлар	Асосий гуруҳ, n=106		Назорат гуруҳи, n=30		P
	мут.	%	мут.	%	
ЎРВИ	106	100±0,0	28	93,3±4,6	>0,05
Сурункали тонзиллит	56	52,8±4,9	2	6,7±5,6	<0,001
Гайморит	16	15,1±3,5	1	3,3±3,3	<0,05
Таносил аъзолари тизими касалликлари	28	26,4±4,3	1	3,3±3,3	<0,001
ОИЙ касалликлари	45	42,5±4,8	1	3,3±3,3	<0,001
эндокрин касалликлар (семириш, қалқонсимон без касалликлари)	42	39,6±4,8	2	6,7±4,6	<0,001
Анемия	71	67,0±4,6	3	10,0±5,6	<0,001
Ҳайз даврининг бузилиши	68	64,2±4,7	5	16,7±6,9	<0,001
ОИЙ касалликлари	12	11,3±3,1	1	3,3±3,3	>0,05
Болалар инфекциялари, шу жумладан:					
сувчечак	41	38,7±4,8	5	16,7±6,9	<0,05
қизамиқ	8	7,5±2,6	2	6,7±4,6	>0,05
паротит	9	8,5±2,7	1	3,3±3,3	>0,05
кўк йўтал	6	5,7±2,3	2	6,7±4,6	>0,05
қизилча	9	8,5±2,7	2	6,7±4,6	>0,05
Гепатит А	18	17,0±3,7	5	16,7±6,9	>0,05
Гепатит В	1	0,94±0,94	-	-	>0,05
Жарроҳлик амалиётлари					
аппендэктомия	5	4,7±2,1	2	6,7±4,6	>0,05
чов гурраси	2	1,9±1,3	-	-	>0,05

Ўсмирларда касалликнинг клиник кўринишини ўрганиш беморларнинг ярмидан кўпида (55,6%) бир нечта аломатларнинг бирикмаси аниқланганлигини кўрсатди. Энг кўп учрайдиган аломат қорин оғриғи бўлиб, у 94 (88,7%) нафар ўсмирда аниқланган, 62,3%да кўкрак устида ва қовурға билан қорин орасидаги соҳада оғриқ локализация қилинди, 16,3%да – бел ва қоринда, кўпинча симилловчи хусусиятга эга оғриқ бўлган.

Оғриқларнинг частотаси, жадаллиги ва давомийлиги ҳар хил бўлиб, ҳосилалар турига, локализациясига, ўсимта ҳажмига, кўшимча ҳосилаларининг жалб қилинганлигига, кўшилган жойнинг мавжудлигига ва ҳажмли ҳосилаларининг ўралиши мавжудлигига боғлиқ бўлди. Бошқа шикоятлар қуйидагиларни ўз ичига олди: ҳайз даврининг бузилиши 68 (64,2%), альгодисменорея 61 (57,5%), қоринда ҳосилалар 11 (10,4%), қорин шишиши 22 (20,8%), 12 ҳолатда (11,3%) бу кичик тоснинг УТТ текшируви вақтида тасодифий топилма бўлган.

Маълумотларимизнинг кўрсатишича, 11,3% ҳолларда аломатлар мавжуд бўлмаган, 88,7% бемор қизларда аломатлар бўлган ва ота-оналар ўсмирларнинг шикоятларига эътибор билан муносабатда бўлишган тақдирда, шунингдек, профилактик кўрик ўтказишда педиатрлар ва болалар гинекологларининг тухумдонлар ҳосилаларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишганда профилактик текширувларни ўтказишда ўсмирларда тухумдонлар ҳосилаларини эрта аниқлашга кўмаклашадилар.

Клиник тадқиқотлар ва УТТ ТЎҲ ва ТХЎни ташхислашнинг асосий усуллари бўлди. ТЎҲ ва ТХЎнинг ультратовуш текшируви маълумотлари (2-

жадвал) бир томонлама ёки икки томонлама ҳосилаларни аниқлашга, тухумдонлар ҳосилаларининг ўлчамларини ўлчашга, унинг капсуласини, капсуланинг ички юзасида пролифератив жараёнларнинг мавжудлиги, тўсиқларнинг мавжудлигини таърифлашга ва унда суюқликнинг эхогенлиги бўйича ҳосилаларнинг хусусияти тўғрисида тахминий ташхис қўйишга имкон берди.

## 2-жадвал

### Текширувдан ўтганларда ҳосилаларнинг ўлчамлари ва локализацияси бўйича УТТ маълумотлари

УТТ маълумотлари	Беморлар сони, n=106	
	мут.	%
Ўсма ўлчами ≤5 см	35	33,0
Ўсма ўлчами 5-7см	43	40,6
Ўсма ўлчами 8-10см	18	17,0
Ўсма ўлчами ≥10см	12	11,3
Чап тухумдон	37	34,9
Ўнг тухумдон	63	59,4
Икки томонлама	6	5,7

